



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

XVI Саҳоси
Барча маълумотлардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** Оқсарой қароргоҳида Корея Республикаси савдо вазири Ду Юн Хванни қабул қилди. Мулоқот чоғида икки томонлама ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар хусусида фикр алмашилди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси савдо вазири Ду Юн Хванг бошчилигидаги делегация Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлиб ўтди.

● Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги (Омбудсман) ҳамда Матбуот ва ахборот қўмитасида журналистлар учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг йиғилиши бўлди.

● Олий Мажлис Сановат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари ҳамда Иқтисодийни ислоҳ қилиш ва тadbirkорлик қўмиталарининг ўн йиллик фаолиятига ҳамда мамлакатимиз парламентининг навбатдаги олтинчи сессиясига тайёргарлик қилиш ишлари бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилоятининг Термиз туманидаги «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги Чори Ерматов бошлиқ «Солибод» фермер ҳўжалиги мамлакатда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарди. Тайёрлов пунктига фақат аёло нав пахта топширилди.

● «Зарафшон-Ньюомонт» Ўзбекистон - АКШ қўшма корхонаси «Project HOPE» халқаро нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда мамлакатимизга инсонларварлик ёрдами сифатида уммон ортидан дори-дармон ортидан самолёт юборди. Қиймати тўрт миллион АКШ долларидан кўпроқ бўлган дори-дармонни келтиришда АКШ давлат департаментининг ёрдами катта бўлди. Бу дори-дармон Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали мамлакатимиздаги тиббий муассасалар ва Мехрибонлик уйларига тарқатилди.

● Буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоий номи билан аталувчи Навоий шаҳридаги боққа Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан бу ерда тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Янги ўқув йилида Қўрғонда 750 ўрилли яна бир касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда хизмат кўрсатиш тармоғи учун мутахассислар тайёрланади.

● **Кеча** мухташам «Туркистон» саройида Мустақилликнинг 10 йиллиғига бағишланган аънавановий «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. **Бугун** эса танлов голиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи илмий жамоаси истиқлолимизнинг 10 йиллиғи ва буюк бобкалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиғига бағишлаб тайёрлаган «Алишер Навоий асарларида ишланган миниатюралар альбому» нашрдан чиқди.

● Ўзбекистон Бадий академиясида Камолитдин Бехзод таваллудининг 545 йиллиғи муносабати билан тайёрланган «Шарқ миниатюралари. XIV-XVII асрлар» мультимедиа лазер дискининг тақдими бўлди.

● Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Наманган вилоят шохлинин тиббий ёрдам илмий марказига 22,4 минг долларлик жарроҳлик асбоб-ускуналарини совға қилди.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июндан чиқа бошлаган ◆ № 96 (9.593) 2001 йил 17 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда



Шу азиз Ватан — барчамизники!

ТОШКЕНТ — МЕҲР — ОҚИБАТ ВА САҲОВАТ ШАҲРИ



Жаҳон тан бераётган пойтахт

ютуқлари қалбда фахр уйғотмоқда

Мустақил Республикаимизнинг пойтахти — Тошкент шаҳри меҳнатқашлари ҳам Истиқлолнинг шарафли 10 йиллиғини ҳар соҳада ўзига хос ютуқ ва зафарлар билан қарши олмоқда.

Илгари хабар қилганимиздек,

КЕЧА

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» республика фестивали доирасидаги Тошкент шаҳри кўргазмасида иштирок этган ҳар бир киши бунга яққол гувоҳ бўлди. Аънавановий кўра карнай-сурнай садоларию санъат аҳлининг дилрабо қўшиқлари барчани фестивалга чорлади. Йиғилганларнинг чехраларидаги шодон кайфият яқинлашиб келаётган Мустақиллик куни тантаналаридан, юртимизда кезаётган байрам шуҳудидан дарак бериб турибди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган ушбу кўргазма Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тўлаганов очиб, истиқлол йилларида турли соҳаларда рўй берган беқиёс ўзгаришларни, меҳнат натижаларини намойиш этиш наватби пойтахт меҳнатқашларига этиб келганини ва улар бугунги кўргазмада ўз аксини тоғганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Давлат Фан ва техника қўмитаси раиси Пўлат Ҳабибуллаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Хожиевалар Ватанимиз юраги саналимиш пойтахтимизнинг бугунги қудрати, салобати, бағри кенг меҳмондўст халқи, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлари ҳақида тўқинчилик гапирдилар.


Дарҳақиқат, Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида Тошкент миллий ва замонавий меъморчилик аънавалари уйғунлашган бири-бирдан мухташам бино ва иншоотларга бой ўзгалардан бирига айланган. Кўргазма залини томоша қилар экансиз, «Тошкент: кеча, бугун, эртага» экспозицияси орқали пойтахт 10 йил мобайнида йирик меъморчилик ва шаҳарсозлик марказига айланганининг гувоҳи бўласиз. Инвестиция бош босқармаси томонидан ташкил этилган экспозицияларда шаҳримизнинг иқтисодий ривожланишига ўз ҳиссасини қўшаётган қатор корхоналар фаолияти намойн этилган. Бугунги кунда мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес ривожига берилаётган катта аҳамият боис уларнинг ялли ички маҳсулот ҳажмидаги улуши тобора ортиб бормоқда. Шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkорлар палатасининг тавсияси асосида кўргазмада қатнашаётган «ПГС», «Деметра», «Тальяна» хусусий фирмалари, «Хобас-Тапо», «INSOF-Ri» қўшма корхоналари, «Субромед» илмий ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарнинг фаолияти билан танишиб дилинч равшан тортади. Чунки ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардор маҳсулотлар хорижийдан асло қолишмайди.

Шунингдек, пойтахтимизда мустақиллик даврида илмий соҳада эришилган ютуқлар илмий текшириш институтларининг микробиология, ботаника, электроника, энергетика йўналишларидаги тадқиқотларида намойн этилган бўлса, «Усто» бирлашмаси, «Хўнарман» уюшмаси, «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида фаолият юритаётган хўнармандларнинг кўргазмага қўйилган ишлари, таниқли ва ёш rassomларнинг ранг-тасвир асарлари Тошкент йирик маданият маркази эканлигини яққол тасдиқлаб турибди.

Кўргазма давомида таниқли санъаткорлар, фольклор гуруҳлари, пойтахтимиздаги миллий-маданий марказларнинг вакиллари ўз дастурлари билан фестивалга ўзгача файз, иштироки ва меҳмонларга завок-шавқ бағишладилар.

Кўргазма залларини айланар экансиз, иштироки ва меҳмонларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам қоғозга туширдик.

● **Абдулла ОРИПОВ,** Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири: — Юртимиздаги ҳар бир вилоят бири-бирдан муаззам, бири-бирдан мубарак. Ҳар бирининг ўзига хос ютуқлари бор. Тошкентимиз ҳаммамиз учун ягона дорусалтанат — мамлакатимиз истиқбо-



лини белгилайдиган барча фармонларга шу маконда имзо чекилади. Мамлакатимиздаги ҳамма йўллар Тошкентга олиб келади. Мен шунини алоҳида таъкидлайманки, бугун жаҳон ҳам тан бераётган пойтахтимизнинг беағзи — меҳнатқаш халқи, бош меъмор эса — Юртбошимиз. Мен адабиёт ва маънавият бешиги Тошкентда яшаб, ижод қилаётганимдан фанланаман, унинг ютуқларидан гурулланман ва хамиша унга муносиб фарзанд бўлишга ҳаракат қиламан. Ўзимнинг пойтахт ҳақидаги қуйдаги шеъримни бугун оқшомонларга ҳавола этаётганимдан мамнунман.

● **Баҳодир ИЛЁСОВ,** «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш маркази ижодий бўлим бошлиғи: — Бугунги ижод соҳасида эришаётган ютуқларимизнинг барчаси истиқлол туфайлидир. Республикаимиз Президентининг 1997 йил март ойидаги Фармони асосида ташкил этилган марказимиз ўзбек миллий аънавановий амалий санъатининг ноёб, йўқолиб кетаётган турларини қайта тиклаш, ривожлантириш йўлида фаолият кўрсатади. Илк ташкил топган пайтимизда аъзоларимиз 2000 нафарни ташкил этган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 12 мингдан ортиб кетди. Бу халқимизнинг миллий қадриятларимиз ва шарқона урф-одатларимизни нақадар улуғлашадан далolatдир. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Мустақиллик туфайли ижодимиз, асарларимиз жаҳонга ёйилмоқда. Бугунги фестивал ҳам ютуқларимиз кўргазмаси, шу билан бирга кейинги режаларимиз асосидир.

● **Бахтияна БОБОНАЗАРОВА,** «Тошкент-нон» уюшмаси лаборатория бошлиғи: — «Тошкент — нон шаҳри», деб бежизга айтаилмаган. Бугунги кунда уюшмамизга қарашли корхоналарда қўли гул новойларимиз томонидан яратилаётган нон ва нон маҳсулотлари бунга яққол мисол бўлади. Албатта, бу ўзига яраша меҳнат ва машаққат талаб этади. Кўргазмада ҳам 200 турдан ортиқ нон ва нон маҳсулотлари, 127 хил қандолат маҳсулотлари билан иштирок этилди. Максимумимиз элимиз дастурхонидан хамиша иссиқ нон ва турфа ширинликлар бўлсин. Чунки мустақил юртга тўқинлик ярашади.

● **Е ПАК,** корейлик меҳмон: — Фестивалдан олган таассуротларим бир олам. Энг муҳими, Тошкентнинг яратувчиси, саҳий, бағри кенг одамлари борлигини, улар буюк юртин ўз қўллари билан бунёд этаётганини ҳис қилдим. Хулоса қилиб айтганда, юз марта эшитганидан кўра бир марта кўрган афзал. Шу боис ҳам уч кун давом этадиган ушбу кўргазмадан келиб қурсангиз, Тошкентнинг ютуқлари билан батафсил танишасиз ҳамда пойтахтининг чиндан ҳам меҳр-оқибат, саховат маскани эканлигига амин бўласиз.

● **Дарёдек жўш урган кўчалар,** Чароғон юлдузли кечалар. Санъатим, нурафшон пешонам, Сен ўзинг энг олий кошонам.

Нақарот: **Қадимий Шош шаҳрим, Юртимда бош шаҳрим. Истиқлол йўлида, Довонлар ош шаҳрим.**

Нақарот: **Қадимий Шош шаҳрим, Юртимда бош шаҳрим. Истиқлол йўлида, Довонлар ош шаҳрим.**

● **Шарифа ИЛЁСОВА** СУРАТЛАРДА: фестивалдан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.



Метросозларимиз янги Юнусобод йўналишини Мустақилликнинг ўн йиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш йўлида бутун куч-ғайратларини аямасдан туну кун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунга келиб ушбу йўналиш бўйича деярли 95 фойз қурилиш ишлари амалга оширилди. Жонқуяр метро қурувчиларимиз улкан фаолиятини қиёси йўқ меҳнат жасорати десак тўғри бўлади. Ушбу юмушга эса бутун республикамиздан ташриф буюрган қурувчилар ва темир йўлчилар ўз хиссаларини қўшмоқдалар.

Метросозлар меҳнатини рағбатлантиришга ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда. Жумладан

МЕТРО

Қурувчилар меҳнатига муносиб баҳо

Тошкент шаҳар Касаба уюшмалари Кенгаши ўз тармоқ уюшмалари билан ҳамкорликда хайрли ташаббус билан чиқди.

Метронинг «Ҳабиб Абдуллаев» бекаги қурилишида фаолият кўрсатаётган барча қурувчилар учун тўқин дастурхон ёзилди. Ушбу хайрли ташаббуснинг бекаги йўналишининг ўнг қанотидаги барча ишлар якунланган кунга тўғри келиши ҳам қувончли воқеа бўлди. Ер ости қасрини бунёд этишда қўли-қўлга бериб аҳил-бахамжихат ишлаётган Самарқанд, Бухоро, Қўнғирот, Қўқон ва тошкентлик метросозлар — қурувчи ва темир йўл ходимлари меҳнатдаги улкан зафарлар ва Му-

Жаҳонда

● Беларус маъмурлари сентябрь ойида ўтказиладиган президентлик сайловларида қузатувчиларни жўнатиш тўғрисидаги расмий таклифини Европада Хафсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига йўлладилар.

● **Бугун** НАТО қўшинлари таркибидagi 600 нафар британиялик ҳарбий хизматчиларнинг Скопьега келишига қўшилмоқда. Улар албанларнинг қуролларини топширишларини назорат этади. Бундан ташқари яқин кунлар ичида яна 2900 нафар халқаро кучлар бу ишга жалб қилинади.

● Иссиқкўлнинг Чўлпонотасига Борган Қирғизистон Президенти Аскар Акаев давлат раҳбари лавозимига ўзини муддатга қилиш режасида эълагини айтиди. Маълумки, сентябрь ойида Қирғизистонда Аскар Акаевнинг ваколат муддатларини ўзайтириш юзасидан референдум ўтказиш кўзда тутилмоқда.

● Исроилнинг 20 га яқин танкларининг Иордан дарёси Фарбий қирғоғида фаластинликлар назоратидаги Женин шаҳрига уюштирган қиска муддатли ҳужуми расмий Вашингтон томонидан кескин танқид қилинди. Чунки, бу операцияда жангбар вертолётлар ҳам иштирок этган бўлиб, бунинг натижасида уч нафар Фаластин ҳарбийсини ва бир фуқаро ҳаётдан қўз юмди. Шунингдек, полиция маҳкамаси ҳам таллафот кўрди. Бунга жавобан Қуддус яқинидаги Гило аҳоли пункти Фаластин снайперлари томонидан ўққа тутилди. Лекин хабарланган бўлмади.

● **Кеча** Россия Федерациясининг Қорачай-Черкес ва Кабардин-Болқорида мавжуд тузумни ва қонуний сайланган ҳокимиятнинг ағдариб ташлашга бўлган уринишининг олди олинди. Прокуратура маълумотларига қараганда, ҳокимият бу ерда 11 кишидан иборат гуруҳ қўлга олмақчи эди. Уларнинг аксарияти хибсага олинди. Шимолий Кавказга этиб келган Россия Бош прокурори В.Устиновнинг фикрича, қўлга олинганлар Ставрополь, Москва ва Волгодондаги қўрувчилик ҳаракатларини уюштиришга дахлдор кимсалардир.

● Украинада йўл-транспорт ҳодисалари туфайли халок бўлган кишиларнинг соғлом аъзоларини сотиш билан шуғулланувчи беш нафар фуқаро устидан тергов жараёни бошланди. Ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, ҳозирда Львов вилояти шифохонаси бўлим бошлиғи, унинг ўринбосари ва яна икки тиббий ходим автохалокат қурбонларининг буйрагини ноқонуний равишда хаста беморлар буйрағи ўрнига қўйишда айбланмоқдалар.

ФУТБОЛ — 2002

Омад ёр бўлсин, юртдошлар

БУГУН

Бирлашган Араб Амирликларида 2002 йилги жаҳон чемпионатида саралаш ўйинларининг биринчи босқичидан муваффақиятли ўтган юртимиз терма жамоаси «В» гуруҳидаги иккинчи босқич муسابақаларининг дастлабки ўйинида БАА терма жамоаси билан куч синашди.

Шу муносабат билан Республика футбол федерациясида жиддий сафар арафасида федерация бош котиби Бахтиёр Раҳимов, миллий терма жамоамиз мураббийси Владимир Сальков ва спорт журналистлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Владимир Сальков турнирга қандай тайёргарлик қилигани, жамоамиз аъзоларининг жисмоний ва руҳий ҳолати, қандай таркиби тўғрисида батафсил маълумот бериб, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Турли савабларга кўра А.Федоров, В.Маминов, А.Хасновнинг каби етакчи ўйинчилар даст-

БУГУН

соат 20.30 да «Ешлар» телеканали тўғридан тўғри намоёйиш этадиган футбол байрамига таклиф этган ҳолда юртдошларимизга омад тилаб қоламиз.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

